



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
3 январь
ЧОРШАНБА
№ 1
(11.908)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

2007 йил - Ижтимоий ҳимоя йили

РЕЖАЛАРИМИЗ УЛУҒ, УМИДЛАРИМИЗ КАТТА

Янги - 2007 йил кириб келди. Давлатимиз раҳбарининг тақлифи билан у «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номланди. Кучли ижтимоий ҳимояни ўз ривожланиш тамойилларидан бири сифатида белгилаб олган мустақил Ўзбекистон инсонпарварлик, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, пенсионерларни, айниқса, яқка-ёлғиз қарияларни, етим-есирларни, кам таъминланган ва муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш йўлидан оғишмай бораётгани яна бир бор тасдиқлади.

Иқтисодийимиз йилма-йил ривожланиб, элорт фаровонлиги ортиб бораёпти. Эришилаётган жамики ютуқлар демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, сиёсий ва иқтисодий-ижтимоий ислохотларни чуқурлаштириш билан чамбарчас боғлиқ, албатта.

Аниқ мақсадли сайҳаракатлар, давлат ва бутун жамиятнинг мамлакатимиз истиқболлини кўзлаб амалга ошираётган чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон йил сайин барқарор ривожланиб, нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки бутун дунёда тинчлик ва баҳамжihatлик қарор топган бир диёр сифатида тобора кенг ҳурмат-эътибор топмоқда.

«Юртдошларимизнинг ички дунёси, онги, тафаккури тубдан янгилашиб, ижтимоий ва сиёсий фаолияти тобора ортиб бораётгани, - деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов «Ўзбекистон халқига Янги йил табриги»да, - буларнинг барчаси замонамиз қанчалик ўзгараётганлигининг энг ёрқин белгиси.

Етим-есирнинг бошини силаш, қоқилган муҳтожларга мададкорлик халқимизнинг қадим фазилати. У мустақиллик йилларида янгича маъно-шаклларида, кўламли хайрли ишларда яна ҳам яққол намоён бўлаётди. Давлатимиз, жамиятнинг

халқасига айланади. Бу йил ҳам халқимизнинг эҳтиёжини қондириш, орзу ва интилишларини рўёбга чиқариш йўлида янги бир доvon бўлиб қолади.

Шу кунларда ким билан суҳбатлашманг, ҳамманинг гапи, орзу-мақсади шундай. Нияти улуг, эзгу бўлган халқ борки, қоқилмайди, интилишлари натижасиз қолмайди. Бозор иқтисодиёти муносабатлари ҳар биримизни қамраб олган, унинг ижобий жиҳатлари ҳам, салбий қусурлари ҳам ҳаётимизда баралла кўзга ташланиб турган ҳозирги шароитда бу, айниқса, муҳим. «Бор - борича, йўқ - ҳолича» - ҳали яқин-яқинларда ҳам одамлар шуурида гўжон ўйнаб, ўкинч ва умидсизлик туғдириб келган шу каби моқоллар унут бўлиб бормоқда. Унинг ўрнига «Са-воб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак» деган эзгу ҳикмат онгимизга тобора сингиб, амалий сайҳаракатларга бошламқда. Муҳтожларга муҳтож аҳоли тоифалари - кўп болали ва кам таъминланган оилалар, етим-есир ва ногиронлар, талаба ва пенсионерлар давлат ва жамиятдан мадад олиб турибдилар.

Янги йил бошланди. Ҳар биримиз, фермеру боғбон ҳам, тижоратчи талаба ҳам, бошқалар меҳр-мурувватига муҳтож одамлар ҳам - унга ўз орзу-хавасларимиз, умидларимиз билан қадам қўйди. Кучли ижтимоий ҳимоя фуқароларо баҳамжihatлик ва ҳамиятлик, меҳр-оқибатни кучайтириб, тинч-осуда ҳаётимиз, баракали меҳнатимиз, бунёдкорлик ишларимизга ишончли ва қудратли асос бўлиб қолаверсин.



ШОДИЁНАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Жойларда бўлаётган арча байрамлар болажонларга олам-олам қувонч ҳада этмоқда. Айниқса Қорбобо ва Қорқиз совға улашаётган ҳаяжонли онлар уларнинг хотираларида бир умр муҳрланиб қолса ажабмас.

Ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислохотлар айнан

шундай эзгу мақсадга хизмат қилаётди. Ортда қолган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжihatлик муҳитини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, соғлом турмуш

тарзини қарор топтириш борасида аввалги йилларда бошланган эзгу ишлар изчил давом эттирилиб, уларни янги, юксак босқичга кўтаришга йўналтирилган чора-тадбирлар, лойиҳалар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари томонидан Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинган 2007 йилда бундай хайрли ишлар кўлами янада кенгайдди.

ИККИТА БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

«Ўзбекнефтегаз» МХК ва Хитой, Корея, Россия, Малайзия компанияларининг сармоядорларидан иборат Консорциум қатнашчилари Орол денгизининг Ўзбекистонга тегишли қисмида маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги Битимни амалга ошириш мақсадида биргаликдаги фаолият ва ягона оператор тўғрисидаги иккита битимни имзоладилар.

Мазкур битим томонларнинг ўзаро муносабати ҳамда вазибаларини белгилайди. Унга кўра шу йилнинг февраль ойидан сейсмик қидирув ишларини бажарадиган пудратчини танлаш бўйича тендерни яқунлаш ва амалий ҳаракатларни март ойида бошлаш кўтилмоқда.

Геология қидирув ҳаракат-

ларини икки босқичда амалга ошириш мўлжалланган бўлиб, биринчи босқич ўз ичига уч йилни олади. Бунда дастур бўйича 2300 километр ҳажмда минтақавий сейсмик разведка ишлари бажарилади. Бу ишлар учун 99,8 миллион доллар сарфланади.

«Туркистон-пресс».

Хитойнинг нефть ва газни қидириш ҳамда қайта ишлаш миллий корпорацияси Ўзбекистонда ўзининг шўба корхонасини очди.

КОНСОРЦИУМ ТАРКИБИДА

Ушбу корпорация 2005 йил 8 сентябрда Тошкентда тузилган Россия, Ўзбекистон, Малайзия, Хитой ҳамда Корея давлатлари нефть ва газ компанияларидан иборат Консорциум таркибига кириди.

«Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компанияси ахборот хизматининг хабарига кўра, республикамизда фаолиятини бошлаган компаниянинг шўба корхонаси келгуси йили Ўзбекистон ҳудудида нефть ва газни қидириш, излаш ишларини олиб боради. Бу умумшарни бажаришга 26 миллион доллар сарфлаш режага киритилган.

«Туркистон-пресс».

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ

Кўмир қазиб олиш тизимини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жалб этиш бўйича 2000-2010 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ижроси бугун Ангрэн кўмир кони фаолиятида ўз ифодасини топмоқда.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда қазиб олинётган кўмирнинг асосий қисми мазкур кон ҳисобига тўғри келади. Германиядан келтирилган янги технология - ротор комплексининг ишга туширилиши сўнгги 3-4 йил ичида иш суръатининг ошишига имкон яратди.

Утган йили бу ерда маҳсулот сотиш давлат буюртмаси 111,4 фоиз бажарилди. 2007 йилда эса кон юзини очиб бўйича 15,8 миллион куб метр ҳажмда иш бажариш ва 3150 минг тонна кўмир қазиб олиш режалаштирилган.

Мунаввара РАЖАБОВА кизи.

МИЖОЗЛАРГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

«Халқ банки»нинг Оққўрғон тумани филиали томонидан кўрсатилган молиявий хизматлардан миқозлар мамун бўлмоқда. Айниқса, бандлик жамғармаси ҳисобидан берилётган имтиёзли кредитлар аҳолининг турфа эҳтиёжларини қондиришда қўл келаяпти.

Утган йили 22 та жисмоний шахсга 4 фоизли, 60 нафар фуқаро номига эса 14 фоизли кредит маблағлари расмийлаштирилди, - дейди филиал бошқарувчиси Абдумажид Азизов. - Умуман, бу мақсадга йўналтирилган маблағлар қариб 70 миллион сўмга етиб, белгиланган режа тўлиқ адо этилди.

Алишер РАҲМАТОВ.

Пискен тумани марказий поликлиникасида қандли диабет касаллиги билан боғлиқ масалаларга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ЭЪТИБОР

Унда шу касалга чалинган беморлар, уларнинг яқинлари ва малакали шифокорлар қатнашдилар.

Қандли диабет касаллиги тарихи ва келиб чиқиш сабаблари унинг олдини олиш ҳусусида шифокорлар маълумот бердилар.

Тадбир сўнггида йиғилганларга шифокорлар томонидан дори-дармон ва совғалар ҳада этилди.

Лутфиниса ОДИЛОВА.

МАҲАЛЛАГА ФАЙЗ КИРДИ

Паркент туманидаги Хисорак қишлоқ фуқаролар йиғинида янги чойхона ишга тушди. 80 кишига мўлжалланган чойхона бизнеси таъмирига тадбиркор Баҳодир Назиров ва маҳаллий аҳоли вакиллари ҳисса қўшишди.

Тўлиқ таъмирдан чиққан чойхона маҳалла кўрғига кўр қўшди.

Олим ЭЛЁРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

2 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Комиссия раиси Мирзоулғбек Абдусаломов олиб борди.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 44, 47-49-моддалари ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, бўшаб қолган ўринларга Бухоро вилояти 25-Ибн Сино, Тошкент вилояти 75-Зангиота, Фарғона вилояти 86-Кўқон сайлов округларида 2006 йил 24 декабрда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови натижалари кўриб чиқилди.

Учта сайлов округида сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш сайлов қонунчилиги талаблари ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар календарь режаси асосида амалга оширилди. Тадбирлар календарь режаси ўз вақтида ижро учун барча округ ва участка сайлов комиссияларига, шунингдек, маънафатдор ташкилотларга юборилди.

25-Ибн Сино сайлов округида - 56 та, 75-Зангиота сайлов округида - 54 та, 86-Кўқон сайлов округида - 59 та, жами 169 та участка сайлов комиссияси тузилди. Ҳар бир сайлов округи бўйича сиёсий партиялардан биттадан, жами 15 нафар депутатликка номзод кўрсатилиб, улар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинди.

Учта сайлов округи бўйича сайловчилар рўйхатида 332036, шу жумладан 25-Ибн Сино сайлов округи бўйича - 119789, 75-Зангиота сайлов округи бўйича - 120060, 86-Кўқон сайлов округи бўйича - 92187 сайловчиларнинг фамилиялари киритилди.

Улардан овоз беришда 282276 сайловчилар (84,5%), шу жумладан 25-Ибн Сино сайлов округи бўйича 102556 (85,6%), 75-Зангиота сайлов округи бўйича 99759 (83,1%), 86-Кўқон сайлов округи бўйича 78095 (84,7%) сайловчилар иштирок этди.

Округ сайлов комиссиялари баённомаларининг маълумотлари кўра ва кузатувчилар ҳулосаларига биноан барча сайлов округларида сайлов қонун асо-

сида ўтказилди ва энг кўп овоз тўплаган учта номзод Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари этиб сайланди. Сайланган депутатларнинг рўйхати маъбуотда эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш борасида ошқораликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш жараёни оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва сиёсий партиялардан 469 нафар кузатувчи қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссиялари сайлов қонунчилиги бузилиши тўғрисида аризалар келиб тушмади.

Бўлиб ўтган сайлов Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қўриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида демократик жараёнлар янада ривожланаётганлигини, сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий онги юксалтирилганлигини кўрсатди.

Шунингдек, мажлисда комиссия ваколатига тааллуқли бошқа масалалар қўриб чиқилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ

БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 44, 47-49-моддалари ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 25-Ибн Сино, 75-Зангиота ва 86-Кўқон сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига 2006 йил 24 декабрь кунини ўтказилган сайлов натижалари тўғрисидаги округ сайлов комиссияларининг баённомалари асосида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари этиб рўйхатга олинсин:

№	Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партияга мансублиги	Эгаллаб турган лавозимини (машғулоти) турини	Иш ва яшаш жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1.	Сафаров Фулом Якубович	1968	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи	Бухоро шаҳри	25-Ибн Сино сайлов округи
2.	Шарипов Ориф Мухамедович	1956	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбасари	Тошкент вилояти, Қўқон тумани	75-Зангиота сайлов округи
3.	Ахмедов Аббас Ядгарович	1960	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Фарғона вилояти Кўқон шаҳридаги «Техника» компанияси Кенгаши раиси	Фарғона вилояти, Кўқон шаҳри	86-Кўқон сайлов округи

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Тошкент шаҳри, 2007 йил 2 январь.

М. АБДУСАЛОМОВ.

Эътироф

Истиклол — ўзингни, ўзлигингни намойён этиш, Ватанинга хизмат қилиш имкониятини берди. Мустақилликда яшаш бахтининг навбатдаги довонидан ошилган шу кунларда юракда чексиз туйғулар жўш уради.

НИЯТЛАРИМ ҲАЛИ МЎЛ



Бугун она юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ислохотлар ҳамда эл-юрт бахт-саодати йўлида қилинаётган улкан ишлардан дунё хабардор. Шубҳасиз, Ўзбекистон довуғини оламга тараётган кўпалак соҳалар қаторида спортнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Хусусан, эркин кураш ҳам мамлакатимизда энг оммавий ва ёшлар катта қизиқиш билан шугулланадиган спорт турларидан бирига айланди. Республикаси курашчиларнинг халқаро майдонларда қайд этаётган натижалари эса таҳсинга лойиқ. Уларнинг юксак маҳоратлари туфайли

дунёнинг кўпгина мамлакатларида Ватанимиз байроғи ҳилпираб, мадҳиями баралла янграмоқда. Утган 2006 йил мен учун айниқса, омадли бўлди. Қатар пойтахти Дохада бўлиб ўтган Осиё ўйинларида қаторасига иккинчи бор шоҳсупанинг энг юқорисидан жой эгалладим.

Сўнгги йилларда юртимизда спортнинг оммавий турларига эътибор шу даражада кучайдики, натижада замонавий ва жаҳон андозаларига мос спорт иншоотлари қўйилиб, мунтазам шугулланиш учун ҳамма имкониятлар яратилди. Энди мамлакатимиз довуғини бунданда юксалтириш биз спортчиларнинг саъй-ҳаракатимизга боғлиқ. Президентимиз томонидан кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликни доимо қалбдан ҳис этиб, Ўзбекистоннинг халқаро майдонлардаги оғури бўлган бугунгидан юксалишига ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

Дилшод МАНСУРОВ, Жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари икки карра голиби.

Ҳайрат

МАҒЛУБ ЙЎҚ, ҲАММА ГОЛИБ

Қуйичирчиқ туманидаги Дўстобод марказий стадионида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали уюштирган тадбир бўлиб ўтди.

«Отам, онам билан биз — спортни севувчи оиламиз» деб номланган ушбу ажойиб мусобақаларда саккиз хонадон вакиллари ўзаро беллашдилар. Иштирокчилар мусобақа шартларини тез ва чاقқон бажариш баробарида ўзларининг аъло жисмоний тайёргарлиқларини кўрсата билишлари керак эди. Шартлар эса хилма-хил: эстафетада югуриш, футбол ва кўл тўпи аломатлари бор ўйинлар... Бир шарт эса, ҳозир урф бўлган боулинг ўйинини ҳам эслатади — оилалар турли



спорт жиҳозларидан ясалган шакллари копток билан уриб туширишлари керак эди. Аммо иштирокчилар бор куч ва эҳтишамларини кўпроқ арқон тортиш баҳсида намойён этдилар, десак муболага бўлмас. Ҳар қалай, шу босқичда улар кўпроқ тер тўкишди. Беш



хос пайдо бўлган Қорбо бо ҳам ўйинларга ажиб қувонч бахш этди. Шартлар умумнатижага кўра, Хегайлар оиласи биринчи ўринни эгаллаган бўлса-да, қатнашчиларнинг бирортаси соврин ва тўхфасиз қолгани йўқ. Уларнинг ҳар бирига Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали совғалари топширилди.

Ота, она ва фарзандлар бир жамоа бўлиб беллашса-ю, мусобақада голиб чиқса, бундан ортик шавқ бўлиши мумкинми? Буни соғлом турмуш тарзи ва оммавий спорт учун чинакам тарғибот деса бўлади.

Тўғич БЕК. СУРАТЛАРДА: мусобақалардан лавҳалар. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси спорт соҳасида зришилаётган ютуқларимизда ҳам аққол намойён бўлаётди. Шу маънода ўтган 2006 йил вилоятимизда спортни ривожлантириш ва бунинг учун етарли шарт-шароит яратиш борасида ўчмас из қолдирди.

ЖАҲОН СПОРТ МАЙДОНИГА ЙЎЛ



1 июнь — «Халқаро болаларни химоя қилиш кунига» бағишланган «Спорт баҳори» номли спорт байрамига Янгийўл тумани мезбонлик қилди. 10 июнь кунини эса, Олмалик шаҳрида «Олимпиада юғуриш кунини» муносабати билан мусобақалар ўтказилиб, унда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган 420 киши иштирок этди. Сентябр ойида бўлиб ўтган оғир атлетика бўйича республика чемпионатида вилоятимиз терма жамоаси умумжамоа ҳисобида 1-ўринни кўлга киритди. Вилоятимизда аёллар спортини ривожлантириш

мақсадида бир қатор тадбирлар ўтказилди. Август ойида Чирчиқ шаҳрида бадий гимнастика бўйича вилоят биринчилиги уюштирилиб, мусобақаларда барча шахар-туманлардан жами 21 та жамоа иштирок этди. Ноябрь ойида эса, шу ерда ўтказилган вилоят хотин-қизлар гимнастрада мусобақалари, шунингдек, коллеж талаба қизлари спартакиадаси вилоятимизда аёллар спортига эътибор ортиб бораётганлигининг амалдаги намойиши бўлди.

Маълумки, Қатар пойтахти Дохада бўлиб ўтган XV Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси 11 та олтин, 14 та кумуш, 15 та бронза — жами 40 та медал билан умумжамоа ҳисобида 7-ўринни эгаллади. Шуниси қувонарлики, терма жамоамиз жамғармасига 6 та олтин, 6 та кумуш, 4 та бронза — жами 16 та медални бизнинг вакилларимиз келтириб, бошқа вилоятларга ҳиссатан анча салмоқли ҳисса қўшдилар ва бу ютуқлар билан бутун мамлакатимизнинг фахри ва ифтихорига айландилар.

Хулоса қилиб айтганда, 2007 йилда ҳам амалга оширилажак ишларимиз бисёр. Асосий мақсад, шу кунгача зришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун спорт базаларини кенгайтириш, ёшларни ўйингоҳ, зал ва тўғаракларга иложи борича кўпроқ жалб этиб, вилоятимиз спортни равангига мукиммал замин яратишдан иборатдир.

Маҳмуд АБДУНАЗАРОВ, вилоят маданияти ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи.

Ҳаёт сабоқлари

Узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган Нозим ака суҳбат орасида шундай деган эди:

— Раҳбарликнинг бош масъулияти бутун иш фаолиятинг давомида ўзингни бирдек тутишдир. Яъни ошиб ҳам кетмасдан, муомалангни

ликка, ўзидан бошқа ҳамма акцис эканлигида ишонингга, хатто, кечагини бирга ишлаган дўстларини ҳам «сариқ чақа»га олмасликка етаклади. Пахта мавсуми давомида кеча ўзи ишлаган хўжаликдаги бир раҳбарни арзиман баҳона билан кўпчиликнинг ол-

қолиш эди, ҳеч ким унинг ёмонликларини эсдан чиқармаганди.

Ҳаётнинг кизиклигини қаранг-ки, шунга ўхшаш бир одамга халқнинг ҳурмат-иззати бутунлай бошқача бўлди. У ҳам раҳбарлик лавозимларида узоқ йил ишлади, вақти-соати келиб,

ЯХШИ СЎЗ — ЖОН ОЗИҒИ

ўзгартирмасдан яшашдир. Раҳбарлик курсисига ўтирганингдан кейин ўзгариб қолганингни ўзингдан аввал ўзгалар сезиб, орқадан гап қилар экан. Энг қийини мана шу.

Таассуфки, инсон феълдаги бу ўзгаришчанликдан ҳамма ҳам эҳтиёт бўлмас экан. Яқинда бир одамнинг амал курсисига ўтириб олган, олдинги феълдаги нисбатан мутлақо тескари иш юрилтаётганини эшитиб, афсусландим. Амалга миниб, ўзгариб қолган бошқа бир раҳбарнинг бошига таушган кўпқатлар кўз олдимдан ўтди.

... Расаддин хўжаликда ишлаб юрганда ҳамманинг меҳрини қозонди. Хушмуомала, изланувчан, энг асосийси одамлар кўнглига йўл топа олувчи бу инсонни каттароқ лавозимга кўтаришди. Унинг қабулига кирган ҳеч бир киши норозиги бўлиб ёки кўнгли тўлмаётган кетмас эди.

Янги раҳбар ишни ёмон бошламади. Эртаю кеч одамлар қалбига қулқ тўтди. Натижа ёмон бўлмади, бошқарма тилга тўшди. Меҳнат муваффақияти бор жойда олчиқилар ва мақтовлар бўлиши табиий.

— Энг эҳтиёт бўладиган жойи шу ерда, — деган эди Нозим ака юқоридеги суҳбатимиз орасида. — Мана шу жойда гўёки қил кўприк олдидан имтиҳондан ўтасиз. Мактов ёмон нарса.

Расаддин эса бу имтиҳондан ўта олмади. У ўзида қандайдир куч борлигини сеза бошлади ва қил кўприкнинг ёнига ўзи катта кўприк қурдирди. Бу кўприк уни манман-

дида ҳақоратлаб, қаматиб қўйишгача етди. Одамлар сабр қилган сари унинг сўкинишлари, ҳақоратлари авж олаверди.

Ииллар ўтди, у тамоман ўзгарган эди. Энди унинг олдига кириб бўлмас, кирганлар қайта унга рўбарў бўлишдан қочар, ҳамма ундан беизиб қолди. Атрофида уч-тўрт ланганбардорларни йиғиб олган Расаддин ўзгалар билан иши йўқ эди.

Дунёда оддий бир ҳақиқат бор. Ўзгаларни норозиги қилиб, ноҳақ кўнглини қолдириб, ҳеч бир амалдор ҳурмат қўқисидан абадий қолган эмас. Расаддиннинг ҳам иши орқага кета бошлади ва табиий уни бир кун ишдан олишди.

Ҳамма кўргулик мана шундан кейин бошланди. Ишдан бўшаб, уйда ўтирганига бир ойлар чамаси бўлган эди. Бирдан ўлинининг мазаси қочиб, безовталана бошлади. Ақсига олиб уйда турган машинани ҳам бензини йўқ экан, қўни-қўниликнига югуришди. Аммо ҳеч ким ёрдам қўлини қўзмади. Йўлдан бир қирақашани топиб, касалхонага зўрга етказиб боришди. Афсус кеч...

Бу оғир жудаликнинг балки унинг феълдаги, туган ишига алоқаси йўқдир, лекин шундай оғир кунларда қариндош-уруғдан бошқа ҳеч ким елкадош бўлмади. Бир маҳаллар атрофида парвона бўлганларнинг баъзилари таъзияга ҳам келишмади.

Маҳаллада бўладиган тўй-ҳашамларда ҳам унинг келиб-кетишига ҳеч ким эътибор бермасди. Бу элининг назаридан

бошқа кичикроқ ишга ўтди. Лекин одамларнинг унга бўлган эътибори зарарча сусаймади. Чунки, у амал курсисидан ўтирганида ҳаммага ширин гапирган, яхшилик қилган ва саховат кўрсатган эди. Тўғри, у ҳам талабчан, баъзи жойларда қаттиқроқ гапирган, айбига яраша жазолаган ҳам. Лекин ҳаммаси одоб билан, маданият ва қаршидаги қўи одамга ҳурмат доирасида бўларди.

Бир кун ўзгариб қолган раҳбар олдида иш билан борганимда унга шундай дедим:

— Сизни одамлар хушмуомала, тарбия кўрган инсон дейишарди. Амалга ўтириб, ўзгариб қолганингни кўрганлар ҳайрон қолишарди.

У эса менга ҳасрат қилгандек: — Бақирмасангиз иш бўлмас эканда, ака. Ахир биздан ҳам талаб қилишарди-да, — деди. Мен унга бошқа гап айтмадим. Кейинчалик ҳам унинг кўп одамларнинг дилини сиёҳ қилганини эшитиб юрдим. Орадан йиллар ўтиб у ҳам ишдан кетди. Иттифоқо, шундай кунларнинг бирида уни бир йиғинда учратиб қолдим. Шашти паст. Олдимга келиб сўрашган:

— Инсон бир умр хатарлардан ўрганиб яшар экан, ака, бу қурғур амалнинг шамоли бўларканда, — деди.

Мен уни тушундим ва отамнинг давраларда айтиб юрадиган бир гапни ёдимга тушди:

— Дунёда одамга ярашадиган битта нарса бор — бу Яхши Сўз! Ҳамид НОРҚУЛОВ.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

Table with 4 columns: Пайшанба 4, Жума 5, Шанба 6, Яқшанба 7. Each column lists TV programs and their start times.

**ЎН ИККИ ОЙ
МАНЗАРАЛАРИ**



*Дераза олдида тувакдаги гул,
Исириқ уйларда хуш мушки-анбар.
Ёстиққа ёнбошлаб, оёқ узатиб
Бекорчи гапларни тахлайди ЯНВАРЬ.*

*Куртакларни алдай бошлайди шамол,
Бўғотда сумалак — ханжардек қурол.
Булутлар ичида кўёшни кўриб,
Жойидан қимирлаб кўяди ФЕВРАЛЬ.*

*Ер кўнчиб турибди, ҳарорат энди —
Майсалар бошини силамоғи шарт.
Изгирин йўлини кесиб чиқса ҳам
Кўёшни етаклаб келаверар МАРТ.*

*Борлиққа яшиллик бостириб келар,
Япроқлар кўлидан тортқилайди ел.
Гарчи ёз фаслига бир чақирим бор,
Ёқангни ечтирар шошқалоқ АПРЕЛЬ.*

*Қизғалдоқ гуллари қирларга меҳмон,
Ялпизга ариқнинг лабидаги жой.
Юзини беркита бошлаган дала
Ортидан югуриб бораёпти МАЙ.*

*Офтобга қизарган юзини тугтиб
Ўт-ўлан сарғайиб боргани сайин,
От минган чавандоз каби гўёки
Сув-сув терлаб борар, ҳансираб ИЮНЬ.*

*Жазирама кундуз экиннинг жони,
Туллари чигиртка базмига мойил.
Дехқоннинг кетмони бўй бермас, лекин
Забтига олади барибир ИЮЛЬ.*

*Ҳовуридан тушар аста кўёш ҳам,
Кўсақлар маржондек тизилган, тўқис.
Кўксини шабада томонга буриб,
Сунбула сувидан ичади АВГУСТ.*

*Хуррият байроғи ҳилпирар мағрур,
Олтинга айланди юракдаги сабр.
Бу юртининг сеvimли қахрамонидай
Вазмин қучоқ очиб турар СЕНТЯБРЬ.*

*Пахтазор кўкраги осмонга тегар,
Тарозу устида орзу-ният бир.
Ҳаммани тўйига чорлаб, чақириб,
Ўзида йўқ хурсанд оппоқ ОКТЯБРЬ.*

*Қиш бўлиб қиш эмас, куз бўлиб кузмас,
Майлида, билганин қилсин кўявер.
Ҳар икки фаслга кўнгли кўёлмай,
Икки ўт ичида сарсон НОЯБРЬ.*

*Музларнинг тагига тушиб кетди ой,
Қор босган қирларнинг елкаси буқир.
Иш қочиб кетгандай ва уни йўқлаб,
Турвасин кўтариб келар ДЕКАБРЬ.*

Ҳамид НОРҚУЛ.



2007

*Ўн иккинчи
ҳилоя йили*

Декабрь
Д С Ч П Ж Ш Я
1 2
3 4 5 6 7 8 9
10 11 12 13 14 15 16
17 18 19 20 21 22 23
24 25 26 27 28 29 30
31

Январь
Д С Ч П Ж Ш Я
1 2 3 4 5 6 7
8 9 10 11 12 13 14
15 16 17 18 19 20 21
22 23 24 25 26 27 28
29 30 31

Февраль
Д С Ч П Ж Ш Я
1 2 3 4
5 6 7 8 9 10 11
12 13 14 15 16 17 18
19 20 21 22 23 24 25
26 27 28

Март
Д С Ч П Ж Ш Я
1 2 3 4
5 6 7 8 9 10 11
12 13 14 15 16 17 18
19 20 21 22 23 24 25
26 27 28 29 30 31

Апрель
Д С Ч П Ж Ш Я
1
2 3 4 5 6 7 8
9 10 11 12 13 14 15
16 17 18 19 20 21 22
23 24 25 26 27 28 29
30

Май
Д С Ч П Ж Ш Я
1 2 3 4 5 6
7 8 9 10 11 12 13
14 15 16 17 18 19 20
21 22 23 24 25 26 27
28 29 30 31

Июнь
Д С Ч П Ж Ш Я
1 2 3
4 5 6 7 8 9 10
11 12 13 14 15 16 17
18 19 20 21 22 23 24
25 26 27 28 29 30

Июль
Д С Ч П Ж Ш Я
1
2 3 4 5 6 7 8
9 10 11 12 13 14 15
16 17 18 19 20 21 22
23 24 25 26 27 28 29
30 31

Август
Д С Ч П Ж Ш Я
1 2 3 4 5
6 7 8 9 10 11 12
13 14 15 16 17 18 19
20 21 22 23 24 25 26
27 28 29 30 31

Сентябрь
Д С Ч П Ж Ш Я
1 2
3 4 5 6 7 8 9
10 11 12 13 14 15 16
17 18 19 20 21 22 23
24 25 26 27 28 29 30

Октябрь
Д С Ч П Ж Ш Я
1 2 3 4 5 6 7
8 9 10 11 12 13 14
15 16 17 18 19 20 21
22 23 24 25 26 27 28
29 30 31

БАЙРАМ КУНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида куйидаги кунлар байрам (дам олиш куни) деб белгиланган:

- 1 январь – Янги йил
- 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни
- 21 март – Наврўз байрами
- 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни
- 1 сентябрь – Мустақиллик куни

- 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни
- 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни
- Рамазон ҳайитининг биринчи куни
- Қурбон ҳайитининг биринчи куни.



Айтишларича...

Япониянинг "Тойота" автомобилсозлик корпорацияси вакили АКШнинг "Форд" корпорацияси президенти Алан Муллалли билан махфий музокаралар олиб боргани ҳақидаги хабарни тасдиқлади. "Форд" раҳбарияти япон машинасозларига мурожаат қилиб, "Тойота" мутасаддилари билан учрашиш ниятини билдирган. Музокараларда "Тойота" директорлар кенгаши раиси Фудзиро Тию иштирок этган.

Томонлар учрашувнинг мазмуни ва бўлиб ўтган жойини яширмаяпти. РАТА-ТАСС таркатган хабарга қараганда, музокаралардан кўзда тутилган асосий мақсад "Тойота" ва "Форд" ўртасида иттифоқ тузишдан иборат. Мазкур корпорациялар автомобиль ишлаб чиқариш бўйича

**«ТОЙОТА» ВА «ФОРД»
БИРЛАШМОҚЧИ**

дунёда иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаб келади. Айни пайтда қийин кунларни бошдан кечираётган "Форд" ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг япон моделига қизиқиш билдирмоқда. Бунда Япония машинасозлик саноатида ихтиро қилинаётган янги технологиялар муҳим аҳамиятга эга. Утган йилнинг октябр ойидан буён махфий тарзда ўтказиб келинаётган музокаралар қизгин давом этмоқда. "Форд" корпорацияси президенти январь ойида Японияга боришни режалаштирган.

"Тойота" 2007 йилда тўққиз миллиондан зиёд машинани сотувага чиқаришни мўлжалламоқда. Агар бунинг

уддасидан чиқилса, корпорация автомобиль сотиш бўйича дунёда биринчи ўринга кўтарилади. "Женерал моторс" эса тарихда илк бор пешқадамликни бой беради. Айни пайтда учинчи ўринни эгаллаб турган "Форд" қатор қийинчиликларга дуч келмоқда. Корпорация 2006 йилнинг учинчи чорагини қарийб олти миллиард доллар зарар билан яқунлади. "Тойота" эса бу вақт ораллигида 3,4 миллиард доллар фойда кўрди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, АКШ ва Япония автомобиль корпорацияларининг бирлашиши, айниқса, "Форд" учун жуда фойдали бўлади.

Табиийки, "Тойота" автомобиль ишлаб чиқариш бўйича дунёда би-

ринчи ўринга чиқса, рақибларининг кучли тазйиқига дуч келиши мумкин. Бундай ҳолнинг АКШ бозорида юз бериш эҳтимоли катта. "Форд" билан бирлашиш эса "Тойота"га рўй бериши мумкин бўлган ана шу каби қийинчиликларни енгиб ўтишига ёрдам беради. Корпорация шу йўл билан дунё машинасозлик саноатидаги ўрнини янада мустаҳкамлаб олади.

Соҳа билимдонларининг фикрларига қараганда, "Тойота" "Женерал моторс" билан ҳам дўстона алоқаларини давом эттиришга ҳаракат қилади. Чунки АКШда уларнинг қўшма корхонаси фаолият олиб бораётир. Ўз навбатида, "Женерал моторс" ҳам "Ниссан" (Япония) ва "Рено" (Франция) каби корпорациялар билан иттифоқчилик борасида музокаралар олиб борган, аммо бундай ҳаракатлар бесамар яқунланган эди.

Ў.А.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
136-53-09.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилими:
700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун рекалама ва эълон берувчилар масъулдир.